



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ
БУЙРУҒИ

2022 йил 30 сентябрь

176-сон

Тошкент в.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қўмита тизимидаги барча таркибий бўлинмалар раҳбарлари давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказишда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори талабларига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

3. Белгилансинки, Қўмита тизимидаги барча таркибий бўлинмалар раҳбарлари мазкур қарор билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни бажарилиши учун масъул ва жавобгар ҳисобланади.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш раис ўринбосари Ғ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Раис



NUSXASI ASLIGA
TO'G'RI

Н. Бакиров